



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 5 март, № 48 (8110)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг таклифига биноан 3-4 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 4 март куни Исломобод шаҳрида Покистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда “Нисат Групп”, “Гетс Фарма”, “Пирамид Ложистикс”, “Эжаз Групп”, “АКД Групп”, “Вах Нобель Групп”, “Нажиб Файбэр”, “Сапфир Групп” каби кўплаб компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу ширкатларнинг умумий активлари 40 миллиард доллардан зиёд ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари хорижий ташрифлари чоғида бундай учрашувлар ўтказишга алоҳида вақт ажратади. Бу Ўзбекистоннинг ҳамкорликка интилиши юқори эканлиги намён эътибор оширмоқда.

Учрашувда мамлакатимизда иқтисодийнинг барча тармоғида бозор механизмлари жорий қилинаётгани, бизнес ривожини чеклай-

диган тўсиқлар бартараф этилгани таъкидланди. Тараққиёт стратегияси асосида хорижий бизнес иштирокини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бундай эътибор ва шароитлар Покистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда тизимли алоқалар йўлга қўйилган. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 5 баробар ошган. Пандемия чекловларига қарамай йил бошидан бери ушбу кўрсаткич яна 70 фоиз ўсган.

Президентимиз сўзининг аввалида Покистон Бош вазири билан ўтказилган музокара натижаларига тўхтади.

— **Тарихий ташрифимиз давомиди илк бор Имтиёзли савдо битимини имзоладик. Транспорти ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида назорат-**

га олишга келишиб олдик. Асосий мақсадимиз — маҳсулотларни давлатларимиз ўртасида тўсиқсиз ва энг қисқа мuddатларда етказиб бериш тизимини яратишдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай эътибор ва шароитлар ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион долларга, келгусида эса 1 миллиард долларга етказиш учун мустақам замин яратишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Исломободда ўтган бизнес форумида тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари, банк-молия, кимё саноати ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 800 миллион долларлик савдо ва инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилган эди. Бу лойиҳаларнинг барчаси саноат кооперацияси

дастурига киритилиб, қатъий назоратга олиниши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Покистон компанияларини биргаликдаги лойиҳаларни кўпайтиришга қақирди.

— **Бугун сизларнинг аниқ таклифларингизни эшитмоқчиман. Бу ерда ҳукумат аъзолари, саноат тармоқлари масъуллари йиғилган. Ўзбекистонда бизнесингиз учун қандай шароит, нима қафолат керак бўлса, кўриб чиқишга тайёرمىз, — деди Президент.**

Учрашувда ҳамкорликнинг янги йўналишлари, турли соҳаларда мавжуд имкониятлар юзасидан фикр алмашилди. Истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президентимиз ишбилармонларнинг режаларини маъқуллаб, барча ташаббус ва шартномаларни ўз ичига олган “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Покистон монументи” миллий ёдгорлик мажмуасида бўлди.

Исломобод шаҳридаги мажмуа қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган, уч йил давомида қурилиб, 2007 йилда очилган. Ёдгорликнинг шакли гул баргларига ўхшайди. Туртта йриқ барг Покистоннинг тўрт провинциясини ифодалади. Эътиборлиси, мажмуа бобурийлар меъморилик аъёнлари асосида барпо этилган. Бу ерда тарих музейи ҳам бор.

Давлатимиз раҳбарига мажмуадаги суратлар тарихи ҳақида сўзлаб берилди.

Шундан сўнг Исломобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Президенти Ориф Алвийнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Президентлар бир-бирини самимий қутлаб, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик шерик-

лик муносабатлари ҳар томонлама ривожланаётганини мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга экани ҳамда ҳамкорликни янада кенгайтиришга кучли туртки бўлиши таъкидланди.

2022 йилда мамлакатларимиз муҳим сана — дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлайдилар. Утган вақт мобайнида сиёсий мулоқот ва ҳамкорликда катта муваффақиятларга эришилди. Ўзаро товар айирбошлашда жадал суръат қуатилмоқда. Утган йили пандемияга қарамай, унинг ҳажми 50 фоиздан зиёдга ошди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни изчил кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 4 март куни олий ўқув юртлари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакат келажак, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билан, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг усталари бўлган инсонларга боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда олий ўқув юртларимизда 510 миң нафар талаба кундузги таълим шаклида ўқимокда (жами 820 миң нафар). Давлатимиз раҳбари топшириғига мувофиқ, талабалар билан суҳбат ва сўровномалар ўтказилди. Талабаларнинг 100 миң нафарга яқини ишлаш ва кўшимча даромад топишга эҳтиёжи борлигини билдирган. Айниқса, улар орасида 7,5 миң чин етим ёки ногиронлиги бўлган ҳамда 4,5 миң нафар турли “дафтарлар”га киритилган талабалар бор.

— **Олий ўқув юрти катта оила. Бу оиланинг раҳбари — ректор. Ота-оналар энг катта бойлигини, фарзандини сизларга топширган. Шунинг учун ректорлар ҳар бир талаба билан шахсан учрашиш шарт. Бу борада ҳақиқий ҳолатни билиб, талабаларнинг оилавий аҳволи, шароити, қандай ўқияпти, муаммолари ва таклифлари, хуллас, ҳаммаси ҳақида ҳар ойда ҳисобот беради ва бу масалага шахсан масъул бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Қайд этилганидек, бугунги кунда талабалар ишлаши мумкин бўлган 105 миңта вакант иш ўрни мавжуд. Таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларида — 22 миңтадан, саноатда — 17 миң, соғлиқни сақлашда — 9 миң, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалигида — 6 миңтадан, молия соҳасида — 3 миң, алоқа ва IT соҳасида — 2,5 миң иш ўрни бор.

— **Мутасаддилар ишлашга эҳтиёжи бор талабаларга ёрдам бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш шарт, — деди давлатимиз раҳбари.**

Йиғилишда бу ишларни тизимли ташкил этиш учун Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиши маълум қилинди. Шунингдек, вилоят ҳокимлари бошчилигида худудларда ҳам шундай комиссиялар ташкил этилади. Комиссия вилоят ҳокимлари ва ректорлар билан бирга вакант ўринларни таҳлил қилиб, ҳар бир вилоят бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи курс талабаларининг камиди 30 — 40 фоизини ишга жойлаш чораларини кўради. Бундан ташқари, битирувчи курслар талабаларининг келгусидаги иш жойини белгилаб олади ва уларни ҳақ тўланадиган 3-4 ойлик стажировкага юборади.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртларидаги бўш хона ва иншоотларни талабаларга бепул ажратиш орқали уларда пуллик курслар, тўғарақлар ва бошқа хизматлар ҳамда ишлаб чиқаришлар ташкил этиш ор-



Дунё нигоҳи

ПОКИСТОНДАГИ УЧРАШУВЛАР ЧОҒИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ, ЖУМЛАДАН, АФҒОНИСТОННИ БАҲҚАРОЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга амалга оширган давлат ташрифи, ўтказилган музокара ва учрашувлар, эришилган натижаларга оид фикр-мулоҳазаларини изҳор қилмоқда.

2- саҳифага қаранг.

Кўрик-танлов

ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ ТАШАББУС КЎРСАТГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида “Энг яхши ижтимоий ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева очар экан, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ташаббусларни амалга ошириш, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий шерикликни кучайтиришга катта эътибор берилганлигини таъкидлади. Натиждада ушбу йўналишларда кенг имкониятлар яратилмоқда. Мазкур танлов ҳам юрт тақдирига, жамият ривожига бефарқ бўлмаган ватандошларимизни, раҳбар кадрлар ва ишбилармонларни юзага чиқаришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.



Муносабат

ОЧИҚЛИК, ИШОНЧ ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Президентимизнинг Покистон Ислам Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш, халқларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустақамлаш учун янги даврни очиб берди.

Бугунги халқаро миқёсда таҳликали, деб баҳоланаётган бир пайтда, турли давлатлар ўртасида томонларнинг энг мақсадларини акс эттирувчи, уларнинг стратегик манфаатларидан келиб чиқадиган шерикликни йўлга қўйиш, эътироф этилган умуминсоний кадриятлар асосида халқларни бирлаштирувчи алоқаларни ривожлантириш жаҳон миқёсида ҳам катта аҳамиятга эгадир.



Биз ва жаҳон

Олган БЕКАР, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

ҚАДИМИЙ ВА АБАДИЙ ҚАРДОШЛИК RIШТАЛАРИГА АСОСЛАНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Бугун биз Туркия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонламоқдамиз. Халқларимиз ўртасидаги азалий биродарлик ришталари ҳамда муштарак тарих, тил, эътиқод, маданият ва аъёнларимиздан куч олган алоқаларимиз ҳар қачонгидан ҳам юксак. Биз “Қардошликка асосланган стратегик шериклик” деб таърифлаган алоқаларимизнинг бугунги даражаси қанчалик қувонарли бўлсада, салоҳиятимиз заллари кўз олдимиздан ўтганда, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўпчилигига амин бўлаемиз.

Президентларимизнинг дадил ва қатъий қадамлари туфайли, айниқса, сўнгги 5 йил ичида эришилган муносабатларимиздаги жадал суръатни сақлаб қолиш биринчи навбатдаги вазифамиздир. Бинобарин, ўтган 30 йиллик даврни сарҳисоб қилиб, ушбу тарихий санани келажакка янада ишонч билан қадам ташлаш учун бир имконият сифатида кўраемиз.



ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Давлат раҳбарлари Покистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларни олқишладилар. Айни пайтда ҳамкорликни, шу жумладан, гуманитар соҳада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Президентимиз Ўзбекистон ва Покистоннинг фан, таълим, юқори технологиялар ва ёшларга доир сиёсат соҳаларидаги ташаббуслари мамлакатимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасидаги мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини қайд этди.

Томонлар шерикликнинг ушбу йўналишини ҳар томонлама ривожлантиришга тайёрликларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Президенти астрономия, астрофизика, физика, математика, вирусология ва робот техникаси бўйича илмий-амалий тадбирларни ўтказишда Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг "КОМСТЕК" Илмий-техник ҳамкорлик

бўйича доимий кўмитаси имкониятларидан фойдаланишни таъкид этди.

Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев Ориф Алвийга меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, яқинлашиб келаётган миллий байрам — Покистон кунини муносабати билан самимий табрик ва энг эзгу тилакларини изҳор қилди ҳамда уни ўзига қулай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таъкид этди.

Урашув илқ ва дўстона муҳитда ўтди. Томонлар кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини тасдиқладилар.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи якунланди.

Ў.А.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Яна бир масала — олий ўқув юртларидаги бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув ёрдамчи лавозимлари бўйича мавжуд вакант жойларда 3 мингдан зиёд талабалар бандлигини таъминлаш мумкин.

Тошкент тиббий академиясида 70 нафар талаба иш юритувчи, кафедра лаборанти, кутубхоначи, омборчи каби лавозимларда ишламоқда. Лекин ҳозир олий ўқув юртларида кўп лавозимларга олий маълумот бўлиши талаб этилади. Шу боис истисно тариқасида ректорларга ўз тизимидаги лавозимларга талабани билим ва салоҳиятидан келиб чиқиб ишга жойлаштиришга рўхсат этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, барча давлат ташкилотлари ва муассасаларида талабалар учун ишлашга рўхсат берилмайдиган бўлди.

Масалан, олий ўқув юртлари атрофидаги шаҳар мактаблари ва боғчаларида 13 минг вакант иш ўрни мавжуд. Мутасаддиларга бир ой му-

датда камидан 10 минг нафар талабани улар учун жойлашуви қулай бўлган мактаб ва боғчаларга ишга жойлаштириш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Марказий банк тажрибаси асосида талабаларнинг ҳақ тўланадиган стажировкалари ташкил этиш ва уларнинг якунида энг яхши стажёрларга иш таъкид этиш тизими иқтисодиёт, молия, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, солиқ, кадастр идораларида ҳам жорий этилиши белгиланди.

Ушбу янги тизим орқали, ҳар йили 3 минг нафар талабанинг бандлиги таъминланади.

Йилгилишда давлат грантлари ҳисобидан амалга оширилаётган илмий лойиҳаларга 2022 йилда камидан 3 минг нафар талабани жалб қилиш лозимлиги айтилди. Шу мақсадда олий ўқув юртларидаги илмий лойиҳа гуруҳлари таркибининг камидан 40 фоизини талабалар ҳисобидан шакллантириш вазифаси белгиланган бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоят ва шаҳар ҳокимлари ректорлар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиб, 30 минг нафар талабани иш билан банд қилиш лозимлигини таъкидлади. Бунда вилоят ҳокимлари иш берувчилар билан ҳамкорликда вакансия ва амалиёт ярмаркалари, талабалар учун бизнес учрашувлар ташкил этиши белгиланди.

Вилоят ҳокимлари икки ой мuddатда олий ўқув юртлари билан йирик компания, кластер ва бошқа корхоналар ўртасида ҳамкорлик тизимини яратиб, йил якунига қадар 10 минг нафар талабанинг бандлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Йилгилишда 2021 йилда талабалар ётоқхонаси бўйича тизим яратилгани таъкидланди. Лекин барча ҳудудда ҳам ишлар бир хилда олиб борилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Бир ой ичида бу борада ўзгариш қилмаган ҳудуд раҳбари ва олий ўқув юрти ректори ишдан олинishi маълум қилинди.

Қайси олий ўқув юрти ректори ётоқхона қурилишининг 50 фоизини ўзи раҳбарлик қилаётган ОТМ маблағи ҳисобидан амалга ошириш ташаббусини билдирса, қолган 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилиши белгиланди.

— Яна бир долзарб масала. Бугунги кунда Украина олий ўқув юртларида 370 дан зиёд ёшларимиз таълим олмақда ва шундан 200 га яқини Ватанга қайтарилди. Қолганларини ҳам яқин бир ҳафтада қайтариш учун барча чораларни кўряпмиз, — деди Президентимиз.

Тегшли комиссия ташкил этилиб, бир ҳафта мuddатда Украинадан қайтиб келганларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқушини давом эттириши учун барча шароит яратиб берилиши кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддилар йилгилишда муҳокама қилинган вазифалар ижроси бўйича бажариладиган ишлар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

ПОКИСТОНДАГИ УЧРАШУВЛАР ЧОҒИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖУМЛАДАН, АФҒОНИСТОННИ БАҲҚАРОРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети хузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти ҳуқуқшунослик факультети профессори, Марказий Осий бўйича мутахассис (Испания):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Исломободга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига кучли туртки берди.

Давлат етакчилари муҳокама қилган сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, туризм ва ижтимоий соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, икки томонлама учрашувларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, Стратегик шериклини ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларация ўзаро алоқаларнинг юксак даражасини ифода қилади.

Ташрифининг сиёсий мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган экан, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўлами қисқа мuddатда янада кен қўламчи бўлишига ишонаман. Менимча, бу, биринчи навбатда, икки мамлакатнинг сиёсий манфаатлари амалда бир-бирига мос келиши билан боғлиқ. Афғонистондаги вазият борасида ҳам умумий қарарлар мавжуд, гуманитар вазиятнинг мураккаблашуви Ўзбекистон ва Покистоннинг ҳам жиддий ташвишига солинмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбарининг Покистонга ташрифи чоғида эришилган келишувлар Марказий ва Жанубий Осийда хавфсизликни мустаҳкамлаш, жумладан, Афғонистонни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Нажм Абдуллоҳ аш-ШАММАРИЙ, "Ал-Шаахдун" газетаси катта муҳаррири (Қувейт):

— Ўзбекистон ва Покистон Марказий ва Жанубий Осийдаги етакчи давлатлардир. Турли йўналишларда, жумладан, транспорт ва энергетика соҳаларида минтақаларо лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш фўл жихатдан ушбу икки мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликка бевосита боғлиқ.

Сўнгги йилларда икки давлат етакчиларининг сиёсий иродаси ва шахсий сўй-ҳаракатлари тўғрисида Ўзбекистон — Покистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, стратегик шериклик даражасига эришилди. Президент Шавкат

Мирзиёевнинг Исломободга давлат ташрифи якунлари сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, транспорт-логистика, туризм ва гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар стратегик темир йўлини қуриш лойиҳасининг амалга оширилиши дунёнинг икки муҳим минтақаси ўртасидаги савдо-иқтисодий, сарможий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, Ўзбекистон учун Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига йўл очади. Бу билан истиқболда Ўзбекистоннинг Жанубий Осий, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазини мамлакатлари билан савдо айланишини бир неча баробар ошириш учун катта имкониятлар очилади.

Рой Энтони РОЖЕРС, Малайя университетининг халқаро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори (Малайзия):

— Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири ўртасидаги шахсий дўстлик муносабатлари стратегик шерикликка асосланган юқори даражадаги давлатларо мулоқотни таъминламоқда. Хусусан, 3-4 марта кунлари бўлиб ўтган олий даражада музокаралар якунида имзоланган қатор ҳужжатлар тўлими, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларация ва Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим шундан далolat беради.

Ўзбекистон ва Покистон фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат sanoati, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, банк-молия ва бошқа муҳим соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта салоҳиятга эга. Ташриф арафасида имзоланган киймати 60 миллион долларлик 800 га яқин янги инвестиция ва савдо шартномалари ҳам бунга яққол тасдиқлайди.

Икки мамлакат раҳбарларининг нафақат Ўзбекистон ва Покистонни, балки Марказий ва Жанубий Осийнинг барча давлатларини иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдорлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу минтақалар ўртасида яхши қўшнчилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги прагматик сиёсати, албатта, ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда улар олдига турган муаммоларни ҳал этиш учун янги платформани шакллантиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон раҳбарининг Покистонга ташрифи

ташрифи якунлари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшишига ишончим комил.

Ким Ёнг ГУ, Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси раиси:

— Ўтган йили апрель ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг видеонамунасидаги мулоқоти бўлиб ўтган эди. Орадан уч ой ўтиб, томонлар Тошкентдаги саммит якунида Стратегик шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Жорий йил 5 февраль кунини икки мамлакат етакчилари Пекин шаҳрида ҳам учрашдилар. Ўзбекистон Президентининг Покистонга биринчи давлат ташрифи эса ана шу мулоқотнинг мантийқ давоми бўлиб, ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан билдирилган баёнотларда ўзаро манфаатли алоқаларнинг барқарор моделини барпо этиш, мавжуд ҳамкорлик салоҳиятидан тулиқ фойдаланишни кўзда тутуви қатъий фикрлар билдирилгани алоҳида қайд этмоқчиман.

Исломободда муҳокама қилинган масалалар кўлами ниҳоятда кенг, жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорликни кучайтириш, ҳудудлар ўртасидаги амалашувларини кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини илгари суриш шулар жумласидандир.

Албатта, Афғонистондаги бугунги сиёсий вазият ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари раҳбарлари билан бўлган учрашувларда ҳам, халқаро ташкилотлардаги чиқишларида ҳам ҳар доим ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади.

Бу бехижа эътибордан четда қолгани йўқ. Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари раҳбарлари билан бўлган учрашувларда ҳам, халқаро ташкилотлардаги чиқишларида ҳам ҳар доим ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади.

Бу бехижа эътибордан четда қолгани йўқ. Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари раҳбарлари билан бўлган учрашувларда ҳам, халқаро ташкилотлардаги чиқишларида ҳам ҳар доим ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади.

портларига олиб чиқадиган энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлак яратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Покистоннинг Афғонистонга нисбатан тинчлик дипломатияси ва уларнинг келишув жараёнидаги роли, Афғонистонни кенг қўламда қўлаб-қувватлашга қаратилган ўзаро сўй-ҳаракатлар афғон моҳирларининг тезроқ сиёсий ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, ушбу ташриф, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Ўзбекистон ва Покистон биргаликда нафақат икки мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осий минтақалари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этишида муҳим қадам бўлди.

Аҳмад ТОҲИР, "Хивар" сиёсий ва ахборот тадқиқотлари маркази директори (Миср):

— Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик чуқур илди эл арга ва бой тарихга эга. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг сўй-ҳаракатлари орқали республиканинг Жанубий Осий мамлакатлари билан савдо алоқалари кўламини йўлга қўйишга интиляганини қўриш мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг ҳам ушбу давлатга қизиқиши юқори.

Мамлакатларимиз ўртасидаги қизғин алоқаларга Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осий: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусида ташкил этилган халқаро конференция доирасида икки давлат етакчиларининг бўлиб ўтган учрашуви янги туртки берганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шу йил 4-5 февраль кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган киши Олимпия йўналишининг очилиш маросимида иштирок этган давлатимиз раҳбари ташриф давомида Покистон Бош вазири билан ҳам учрашиб, мулоқот қилган икки томонлама муносабатларга ижобий суръат бағишлади, десак, айни ҳақиқат.

Президент Шавкат Мирзиёев 3-4 март кунлари Покистон Ислоом Республикаси Бош вазири Имрон Хон таъкидлашга буюнган ўзаро манфаатли мулоқотлар ташриф бўюди.

Бу ташрифининг асосий йўналишлари сифатида икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, туризм ва маданий соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини келтириш мумкин.

Учрашув жараёнида томонлар фармацевтика бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, энгил sanoat, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Уз навбатига, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар трансфонт темир йўлини қуриш лойиҳаси ҳамда уни амалга ошириш бўйича навбатдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудларо ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Томонлар Покистоннинг Панжоб провин-

Акс садо ЭКСПОРТ УЧУН ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛАК

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги дипломатик алоқалар бой тарихга эга. Ташкил этилган йўналишда Ўзбекистон тез суръатларда ривожланаётган дунёнинг барча давлатлари, жумладан, Покистон Ислоом Республикаси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишга урғу бераётганлигининг бошқа яна қатор омилини мавжуд.

Покистон бугунги кунда жадал ривожланаётган йирик давлатлардан бири бўлиб, у Марказий Осий, шу жумладан, Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишга интиляганини қўриш мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг ҳам ушбу давлатга қизиқиши юқори.

Мамлакатларимиз ўртасидаги қизғин алоқаларга Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осий: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусида ташкил этилган халқаро конференция доирасида икки давлат етакчиларининг бўлиб ўтган учрашуви янги туртки берганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шу йил 4-5 февраль кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган киши Олимпия йўналишининг очилиш маросимида иштирок этган давлатимиз раҳбари ташриф давомида Покистон Бош вазири билан ҳам учрашиб, мулоқот қилган икки томонлама муносабатларга ижобий суръат бағишлади, десак, айни ҳақиқат.

Президент Шавкат Мирзиёев 3-4 март кунлари Покистон Ислоом Республикаси Бош вазири Имрон Хон таъкидлашга буюнган ўзаро манфаатли мулоқотлар ташриф бўюди.

Бу ташрифининг асосий йўналишлари сифатида икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, туризм ва маданий соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини келтириш мумкин.

Учрашув жараёнида томонлар фармацевтика бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, энгил sanoat, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Уз навбатига, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар трансфонт темир йўлини қуриш лойиҳаси ҳамда уни амалга ошириш бўйича навбатдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудларо ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Томонлар Покистоннинг Панжоб провин-

ОЧИҚЛИК, ИШОНЧ ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислоом Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида амалга оширилган давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи нафақат икки мамлакат ўртасида тобора кенгайиб бораётган ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш, балки Марказий Осий ва Жанубий Осий минтақалари ўртасида мустаҳкам ҳамда изчил шериклик алоқаларини ўрнатиш, савдо-сотик, инвестиция, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга ҳам қаратилди.

Покистон Жанубий Осийдаги иқтисодий жиҳатдан мустақил, бир қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича жадал ўсиб бораётган йирик давлатлардан биридир. Ушбу давлатда сўнгги йилларда иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий соҳаларнинг кўлаб йўналишларида муҳим ислохотлар, йирик инвестиция дастурларининг муваффақиятли ижроси унинг миллий иқтисодиётида жиддий ўсиш ва муҳим натижаларга эришишни таъминлаб берди.

Ислохотларни амалга оширишда Покистон илмий-технологик доира-

қадаги таҳдидли геосиёсий ҳолат ҳисобга олинса, мамлакатни ривожлантиришнинг давлат сиёсатидаги бундай ёндашувнинг сабаблари ойдинлашади.

Ўтган йили июнь ойида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Парламент Ассамблеясининг II бош конференциясида иштирок этиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қаторида Покистонда бўлди. Покистон, Туркия, Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари аъзо бўлган ушбу халқаро ташкилот Марказий ва Жанубий Осий ҳудудида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро манфаатли шериклик дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу ришталар аъзо давлатларнинг ҳукуматлари доирасида ҳам, парламентлари ўртасида ҳам кучайиб бормоқда.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳамкорлиги, асосан, иқтисодий-гуманитар йўналишларни қамраб олади. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот фаолияти доирасида шериклини кенгайтириш ташаббуси, хусусан, Покистон билан биргаликда бажарилиши кўзланган ишлар, асосан, инвес-

тициявий ҳамкорлик, транспорт ва логистика тизимини кенгайтириш ва янги йўналишларни очиб, тўқимачилик, чарм-пойабзал sanoati, фармацевтика соҳасини қамраб олади. Бу борадаги Покистон тажрибасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жадал ва изчиллик билан бажаришга ёрдам беради.

Конференция иштирокчилари ва покистонлик экспертлар эътиборига биз томонимиздан ҳавола этилган Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти тўғрисидаги тақдимнома катта қизиқиш билан қўтиб олинди. Ислоом цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломаларимиз билан боғлиқ қадамжоларга ташриф буюриш, қадимий Самарқанд, Бухоро, Урганч ва юртимизнинг бошқа шаҳарларидаги тарихий обидаларни боғлиқ қўриш имконияти конференция иштирокчилари ва Покистон туризм тизими вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, бунда унинг турли шакллари билан кенг фойдаланиш, хусусан, энгизат туризмни ҳар томонлама кенгайтириш бўйича муҳтасомлар томонидан қўлаб савол ва тақлифлар берилди.

Покистон билан таълим соҳасида, айниқса, олий таълим бўйича ҳамкорлик қилиш катта истиқболга эга. Шунингдек, табиий ва аниқ фанлар бўйича икки ва кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйиш, ушбу соҳада шериклик асосида қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ришталарнинг янги қирраларини очади.

Президентимизнинг Покистонга ташрифи давомида юқорида кўрсатилган йўналишларда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор масалалар бўйича тегшли битимлар имзоланиши, хусусан, ўзаро алмашуви жадаллаштиришни таъминловчи йирик шаҳарлар ўртасида авиақатновининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон — Покистон муносабатларини, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, уни янги, юксак даражага олиб чиқади.

Эркин ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси.

ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ ТАШАББУС КЎРСАТГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бунинг тўғрисида маълум қилинган бўлиши мумкин, энг яхши ижтимоий ташаббус кўрсатганлар тақдирланди. Ушбу тақдирлаш маррасида 3 минг 72 нафар, худудий босқичда 792 нафар иштирокчи бешта номинация бўйича ғолиблик учун баҳс олиб борилганлиги мисолида ҳам кўриш қийин эмас.

Финал босқичида юртимизнинг 14 худудидан юқори натижага эришган, жамият ривожини йўлида ташаббус кўрсатган ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини фаол қўллаб-қувватлаб келаётган ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, нодавлат ношарикор ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар иштирок этди.

Республика комиссияси томонидан ғолибликни аниқлаш жараёнида бешта номинация бўйича қабул қилинган тегшлик ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси таъминлангани, ижтимоий та-

шаббус кўрсатилганлиги ҳамда фуқаролар билан ишлашда янгилик инновациянинг ёндашувларининг қўлланилганлиги, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилганлиги алоҳида инобатга олинди.

Танлов натижаларига кўра, “Энг яхши ижтимоий ташаббускор давлат бошқаруви органи” номинациясида 1-ўринни Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани бўлими, 2-ўринни Бухоро вилояти Вобкент тумани халқ таълими бўлими, 3-ўринни Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 32-давлат мактабга таълим ташкилоти қўлга киритди.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор нодавлат ношарикор ташкилоти” номинациясида 1-ўрин Хоразм вилоятидаги “Ешлар келажакимиз” жамғармасига, 2-ўрин Андижон вилоятидаги

“Меҳримиз сизга” нодавлат ношарикор ташкилотига, 3-ўрин “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Бухоро вилояти бўлинмасига насиб этди.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор тадбиркорлик субъекти” номинациясида 1-ўринга Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги “Миросоди кўзунчоқлари” нодавлат мактабга таълим ташкилоти, 2-ўринга Тошкент шаҳридаги “Comfort engineering group” МЧЖ, 3-ўринга Тошкент вилоятидаги “Individ” нодавлат таълим муассасаси муносиб, деб топилди.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро” номинацияси бўйича 1-ўрин Андижон вилоятидаги “Robocode” дастурлаш академиясидан Абдулазиз Якубовга, 2-ўрин Қашқадарё вилоятининг Яққабоб туманидаги “Ситора им-

кон плюс” нодавлат таълим муассасаси раҳбари Нарғиза Саломовага ва халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгаши депутаты, “Grant diamond fruits” оилавий корхонаси раҳбари Абдуллажон Исақовга, 3-ўрин қорақалпоғистонлик блогер Али Эгамбердиев ва бухоролик тадбиркор Ҳалимжон Сафаровга насиб қилди.

“Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳокимлик” номинациясида 1-ўринни Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани ҳокимлиги, 2-ўринни Тошкент шаҳридаги Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги, 3-ўрин Навоий вилоятининг Навбахор тумани ҳокимлиги эгаллади.

Ғолиблар дипломлар, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва ҳолий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Фикр



АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Аёл — атрофга гўзаллик, зўгулик, меҳр ва муҳаббат улашувчи нозик хилқат. Миллатнинг ор-номуси, шаъни, гурури ва умр гултожи, хонадонларимиз кўржи бўлмиш азиз аёлларимизга бўлган муносабат ўз тарихий илҳизларига эга.



Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенглигини таъминлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилаш давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу сиёсатнинг замирида хотин-қизларнинг таълим ҳамда касбий кўникмаларга олишлари, муносиб иш топшишлари ҳамда аёлларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш мақсади мўҳассас.

Ҳаётга таъбиқ этилаётган илҳиз ислохотлар натижасида қанчадан-қанча аёллар ишли, даромадли бўлди. Крединг олиб тадбиркорлик қилаётганлар

ҳам кам эмас. Биргина 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилдан бошлаб “аёллар дафтари” тизими йўлга қўйилиши унга қиритилган 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак беришга замин яратди. Бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш қийин эди.

Бугун-чи? Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Юртимизда янги қорхоналар ишга туширилиши нозик хилқат эгалари қадр топиши, фаровон яшashi, мурод-мақсадига етиши, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётган. Натижада қўллаб-қувватлаш оиламолар кувонч, бахт, шодлик қиряпти. Хотин-қизларимиз Ўзбекистонда ҳеч бир аёл давлатнинг эътибори ва гамхўрлигидан четда қолмаётганини қўндалик ҳаётида сезяпти, ўз тана-сида кўрилади.

Бахорнинг илк кунлари ўзбек аёли яна бир бор эъзозланди. 1 март куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг таълими ва касбий кўникмалар олиши,

бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича энг долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда “аёллар дафтари” да 630 мингдан зиёд хотин-қизлар рўйхатда турганлиги, улардан 200 минг нафари ишсиз эканлиги айтилиб, ушбу муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳам аниқ белгилаб берилди.

